

**ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА УШЛАБ ТУРИШ ЁКИ ҲИБСГА ОЛИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК
ЮЗАСИДАН АЙРИМ ИЛМИЙ МУНОЗАРАЛАР**

Анорбоев Муроджон Раҳманқул ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
мустақил изланувчиси, ю.ф.ф.д., (PhD) адлия кичик маслаҳатчиси

Аннотация:

Мазкур мақолада Жиноят кодексининг 234-моддасида назарда тутилган қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш жинояти учун жавобгарликнинг жиноят-ҳуқуқий жиҳатлари таҳлил қилинган. Ушбу жиноят одил судло манфаатларига, ўз навбатида, шахс ҳуқуқлари ва эркинликларига таҳдид солувчи қилмишлардан бири сифатида қаралиб, унинг ижтимоий хавфлилиги, жамият ва давлат институтларига кўрсатаётган таъсири ёритилган. Тадқиқотда қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ва ҳибсга олиш тушунчалари ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиниб, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ЖК, ЖПК ҳамда халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари билан боғлиқлиги кўрсатиб ўтилган. Мақолада ушбу жиноят таркибига оид масалалар – унинг объектив ва субъектив томонлари, ижтимоий хавфи, жавобгарлик доираси кенг ёритилган. Шунингдек, ушбу модданинг қўлланилишидаги ҳуқуқий муаммолар ва уни такомиллаштириш зарурати муҳокама қилинган. Жумладан, ҳибсга олиш ва қамоқда сақлашнинг қонуний ва ноқонуний асосларини аниқлашдаги муаммолар, суд органларининг ваколатлари ва жиноятни квалификация қилишдаги баҳсли ҳолатлар атрофича таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада қонунга хилоф равишда шахсни маъмурий тартибда ушлаб туриш, уй қамоғига олиш, тиббий муассасага жойлаштириш каби чекловлар ҳам ЖК 234-моддаси билан қамраб олиниши зарурлиги ҳақидаги таклифлар билдирилган. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш нафақат шахсий эркинликка, балки жамиятда қонун устуворлиги, суд-ҳуқуқ тизимига ишонч ва ҳуқуқий адолат принципларига жиддий таҳдид солади. Шунинг учун ушбу жиноят учун жиноий жавобгарликнинг самарали қўлланилиши, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида шаффоликни ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Калит сўзлар: одил судлов, қонунга хилоф равишда ушлаб туриш, ҳибсга олиш, қамоққа олиш, маъмурий йўл билан ушлаб туриш, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят, эҳтиёт чораси, уй қамоғи, тиббий муассасага жойлаштириш.

**НЕКОТОРЫЕ НАУЧНЫЕ ДИСКУССИИ О ПРИВЛЕЧЕНИИ К ОТВЕТСТВЕННОСТИ
ЗА НЕЗАКОННОЕ ЗАДЕРЖАНИЕ ИЛИ ЗАКЛЮЧЕНИЕ ПОД СТРАЖУ**

Аннотация:

В данной статье анализируются уголовно-правовые аспекты ответственности за преступление незаконного задержания или заключение под стражу, предусмотренного статьей 234 Уголовного кодекса. Данное преступление рассматривается как одно из правонарушений, угрожающих интересам правосудия, а также правам и свободам личности. В статье изучается общественная опасность данного преступления, его влияние на общество и государственные

институты, а также необходимость установления уголовной ответственности за такие действия. В исследовании проводится правовой и практический анализ понятий незаконного задержания и ареста, подчеркивается их связь с Конституцией Республики Узбекистан, Уголовным кодексом, Уголовно-процессуальным кодексом, а также с международными правовыми документами. В статье подробно рассматриваются состав преступления, включая его объективную и субъективную стороны, общественную опасность и круг лиц, подлежащих ответственности. Кроме того, в статье обсуждаются правовые проблемы, связанные с применением статьи 234, а также необходимость ее совершенствования. В частности, анализируются вопросы разграничения законных и незаконных оснований задержания и ареста, полномочия судебных органов и сложности квалификации таких преступлений. В дополнение к этому, авторы предлагают расширить сферу действия статьи 234, включив в нее незаконное административное задержание, домашний арест и принудительное помещение в медицинские учреждения. Результаты исследования показывают, что незаконное задержание или арест не только нарушает личную свободу, но и представляет серьезную угрозу верховенству закона, доверию общества к судебной системе и принципам правосудия. Поэтому эффективное применение уголовной ответственности за такие преступления, совершенствование законодательства и повышение прозрачности в деятельности правоохранительных органов имеют важное значение.

Ключевые слова: правосудие, незаконное задержание, заключение под стражу, предварительное заключение, административное задержание, преступления с низкой степенью общественной опасности, меры пресечения, домашний арест, принудительное помещение в медицинские учреждения.

SOME SCIENTIFIC DISCUSSIONS ON LIABILITY FOR ILLEGAL DETENTION OR ARREST

Abstract:

This article analyzes the criminal law aspects of liability for the crime of illegal detention or arrest provided for in Article 234 of the Criminal Code. This crime is considered as one of the offenses that threaten the interests of fair justice and, at the same time, the rights and freedoms of individuals. The article examines the social danger posed by this crime, its impact on society and state institutions, and the necessity of criminal liability for such acts. The study provides a legal and practical analysis of the concepts of illegal detention and arrest, highlighting their connection with the Constitution of the Republic of Uzbekistan, the Criminal Code, the Criminal Procedure Code, and international legal instruments. The article thoroughly examines the elements of this crime, including its objective and subjective aspects, social danger, and the scope of liability. Additionally, the article discusses legal issues related to the application of Article 234, as well as the need for its improvement. Specifically, it analyzes problems in distinguishing between lawful and unlawful grounds for arrest and detention, the powers of judicial bodies, and the challenges in qualifying such crimes. Furthermore, the article presents proposals to extend the scope of Article 234 to include other restrictions on individual liberty, such as illegal administrative detention, house arrest, and forced placement in medical institutions. The findings of this study indicate that illegal detention or arrest not only violates personal freedom but also poses a serious threat to the rule of law, public trust in the judicial system, and the principles of legal

justice. Therefore, ensuring the effective enforcement of criminal liability for such offenses, improving legislation, and enhancing transparency in the activities of law enforcement agencies are of great importance.

Keywords: Fair justice, illegal detention, arrest, pretrial detention, administrative detention, low-risk crimes, preventive measures, house arrest, forced placement in medical institutions.

Қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш учун жиноий жавобгарлик белгиланиши инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган муҳим ҳуқуқий кафолатлардан биридир. Зотан, шахсларнинг эркинлиги ва шахсий дахлсизлиги конституциявий нормалар билан ҳимоя қилинадиган инсон ҳуқуқлари кафолатларидан бири ҳисобланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддаси шахсий эркинлик ва дахлсизлик ҳуқуқини муҳофаза қилишга қаратилган. Бу модда давлат органларининг шахсни эркинликдан маҳрум қилишини чегаралайди. Яъни, фуқаро қонунга мувофиқ бўлмаган ҳолда ҳибсга олиниши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши, қамоқда сақланиши ёки озодлиги бошқача тарзда чекланиши мумкин эмас. Шахснинг эркинлигини чеклаш учун қонун билан белгиланган аниқ асослар ва процедуралар бўлиши шарт. ЖК 234-моддаси шундай асос ва процедураларга риоя қилмаган ҳолда шахсни қонунга хилоф равишда ушлаб турганлик ёки ҳибсга олганлик учун жавобгарликни назарда тутаяди.

Қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ёки бошқа шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган суистеъмом ҳолатларини англатади. Агар бундай ҳаракатлар жазосиз қолса, фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимояга бўлган ишончи сусаяди, жиноятчилик ва коррупция ҳолатлари кенгайиши мумкин.

Шунингдек, давлатнинг мажбуриятларидан бири – ўз фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдир. Қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳибсга олишга қарши жиноий жавобгарликнинг белгиланиши давлат органларининг фаолиятини қонуний йўналишда сақлашга хизмат қилади ва қонун устуворлигини таъминлайди.

Бундан ташқари, фуқароларнинг ҳеч қандай асоссиз ва ноқонуний равишда ҳибсга олиниши жамиятда кўрқув ва ишончсизлик муҳитини яратади. Бу эса ижтимоий барқарорликка таҳдид солади. Шундай қилиб, 234-модданинг мавжудлиги жамиятда ҳуқуқий адолатни сақлаш ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича бир қатор халқаро ҳужжатларни, жумладан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактни ратификация қилган. Ушбу ҳужжатлар ноқонуний ҳибсга олиш ва ушлаб туришга қарши чоралар кўришни талаб қилади. Шу боис, ЖК 234-моддасида белгиланган нормалар халқаро мажбуриятларни бажариш учун ҳам муҳимдир.

Мазкур жиноятнинг объекти юзасидан олимлар ўртасида турли қарашлар баён этилган. Хусусан, айрим олимлар ушбу жиноятнинг асосий бевосита объектини одил судлов манфаатлари деб қайд этишган [1, 109-б.]. Фикримизча, одил судлов манфаатлари ёки уларни таъминловчи ижтимоий муносабатлар ушбу жиноятнинг асосий бевосита объекти бўла олмайди. Чунки, фақат ушбу қилмиш эмас, балки одил судловга қарши бўлган барча жиноятлар одил судловни таъминлаш соҳасидаги муносабатларга зарар етказаяди. Шунингдек, асосий

бевосита объект деганда, ЖК моддасини тузишда ушбу норма билан махсус ҳимояланадиган, ижтимоий хавfli тажовуз бевосита қаратилган ижтимоий муносабат тушунилади [2, 125-б.]. Шу сабабдан, биз ушбу жиноятнинг асосий бевосита объектини аниқлашда ЖК 234-моддаси билан махсус ҳимояланадиган ҳамда ушбу қилмиш орқали тажовуз бевосита қаратиладиган ижтимоий муносабатни аниқлашимиз керак бўлади.

Фикримизча, ЖК 234-моддасида назарда тутилган жиноятнинг бевосита объекти юзасидан қуйидагиларни билдириш мумкин:

– **асосий бевосита объект** – ушлаб туриш, қамоққа олиш ёки қамоқда сақлашнинг ўрнатилган тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар;

– **қўшимча бевосита объект** – шахснинг эркинлик ва шахсий дахлсизлиги билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқларини кафолатловчи ижтимоий муносабатлар;

– **факультатив бевосита объект** – ушлаб турилган, қамоққа олинган ёки қамоқда сақланаётган жабрланувчининг шаъни, кадр-қиммати ва саломатлиги хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар.

Жиноятнинг объектив томони қонунга хилоф равишда шахсни ушлаб туриш, ҳибсга олиш ва ҳибсда сақлашдан иборат.

Мазкур жиноятнинг объектив томони юзасидан жиноят-ҳуқуқий адабиётлар ва суд-тергов амалиёти таҳлили ушбу доирада қатор баҳсли жиҳатларни ажратиб кўрсатишга имкон беради.

Биринчидан, “ушлаб туриш” атамасининг ЖКда берилган таърифи мунозарали. ЖК 234-моддаси 1-қисмида ушлаб туриш тушунчасига терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг шахс эркинлигини қисқа муддатга чеклаши, деб таъриф берилган. Жиноят-процессуал қонунчиликда эса, ушбу тушунчага бошқача таъриф берилган. Яъни, “ушлаб туриш жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсни унинг жиний фаолият билан шуғулланишига барҳам бериш, қочиб кетишининг, далилларни яшириши ёки йўқ қилиб юборишининг олдини олиш мақсадида қисқа муддатга озодликдан маҳрум қилишдан иборатдир” (ЖПК 220-моддаси). Бу ўринда биз ЖПКда қўлланилган атама (шахсни озодликдан маҳрум қилиш)дан кўра ЖКда қўлланилган атама (шахс эркинлигини чеклаш)ни тўғрироқ, деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, ЖК 234-моддасида ушлаб туришнинг доирасига аниқлик киритилмаган. Бизга жиноят процессидан эҳтиёт чораси сифатида ушлаб туриш ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликдан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чораси сифатида маъмурий йўл билан ушлаб туриш тушунчалари маълум. Аммо, ЖКда 234-модда ушбуларнинг қайси бирига ёки иккаласига ҳам татбиқ этилишига аниқлик киритилмаган. Модда мазмунидан ушбу модда фақат жиноят процессидаги эҳтиёт чорасини назарда тутган деган мантиқий хулоса чиқариш мумкин. Бу борада олимлар ҳам ЖК 234-моддасида назарда тутилган ушлаб туриш – бу жиноят-процессуал мажбурулов чораси эканлигини, маъмурий тартибда ушлаб туриш ЖК 234-моддаси билан квалификация қилиниши мумкин эмаслигини қайд этишган [3, 276-б.]. Чунки, маъмурий йўл билан ушлаб туриш биз таҳлил қилаётган модда диспозициясида кўрсатилганлардан бошқа шахслар томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин (МЖтК 287-моддаси).

Фикримизча, ЖК 234-моддасида маъмурий йўл билан қонунга хилоф равишда ушлаб турганлик учун ҳам жавобгарлик назарда тутилиши зарур. Чунки, бундай ушлаб туриш ҳам шахснинг Конституцияда белгиланган эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқини чеклайди, уни қисқа муддатга озодликдан маҳрум қилади. Эътиборли жиҳати шундаки, бундай қисқа муддат прокурорнинг санкцияси билан 10 суткагача давом этиши мумкин (МЖТКнинг 288-моддаси). Вахоланки, Конституциянинг 27-моддасига кўра, шахс суднинг қарорисиз 48 соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмас. Ҳатто, шахс жиноят-процессуал тартибда ҳам суднинг розилигисиз 48 соатгача, суднинг розилиги билан яна 48 соатгача, яъни шахс жами 4 суткага ушлаб турилиши мумкин. Яъни, маъмурий йўл билан ушлаб туриш учун белгиланган муддат, нафақат Конституцияда белгиланган чегарадан юқори, ҳатто жиноят процессидаги эҳтиёт чораси ҳисобланган ушлаб туриш муддатидан ҳам кўп. Бундан ташқари, назарий жиҳатдан жиноят процессидан кўра маъмурий йўл билан ушлаб туришда қонун бузилиши ҳолатларининг юзага келиши эҳтимоли ва хавфи юқори ҳисобланади. Бундай эҳтимол маъмурий йўл билан ушлаб туришда уни амалга ошириш ваколатига эга бўлган субъектлар доирасининг кенг эканлиги, қолаверса, бунда суддан рухсат олиш механизми ва талабининг мавжуд эмаслиги туфайли юзага келади.

Шу сабабдан, биз маъмурий йўл билан қонунга хилоф равишда ушлаб туриш учун ҳам ЖК 234-моддасида жавобгарлик белгиланиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Иккинчидан, “ҳибсга олиш” ва “ҳибсда сақлаш” тушунчаларини тушунишдаги мавҳумлик. Таъкидлаш жоизки, ушбу тушунчаларнинг мазмуни бирорта қонунчиликда очиб берилмаган. Жиноят-процессуал қонунчиликда ҳам “ҳибсга олиш” ва “ҳибсда сақлаш” тушунчалари эмас, балки “қамоққа олиш” ва “қамоқда сақлаш” атамалари қўлланилган. Ушбу масалада Р.Кабулов ва А.Отажанов томонидан “қонунга хилоф равишда ҳибсга олиш қонун нормасида белгиланган асослар ва шароитлар мавжуд бўлмаган ҳолда қамоққа олиш эҳтиёт чорасини танлашда ёки қамоққа олишнинг қонунда белгиланган тартибини бузган ҳолда қўллашда ифодаланади” [4, 787-б.], деб тушунтириш берилган.

Фикримизча, ЖК 234-моддасида “қамоққа олиш” ва “қамоқда сақлаш” атамаларини қўллаш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, ЖК 234-моддасида қайд этилган ҳибсга олиш ёки ҳибсда сақлашнинг “қонунга хилофлиги”ни тушунишдаги мунозаралар.

1) қамоққа олишнинг қонунга хилофлиги. Адабиётларда агар айбланувчи ёки гумон қилинувчи шахсга нисбатан қонунда кўрсатилган асослар, шунингдек, алоҳида шахсларга нисбатан қўшимча шартларга амал қилмаган ҳолда ва қонунда белгиланган процессуал шаклга риоя этмаган тарзда танланса, қонунга хилоф равишда ҳибсга олиш деб топилиши [3, 279-б.] кўрсатилган. Ушбу масалага батафсил баҳо беришда жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган қамоққа олишнинг қонунийлигини таъминловчи нормаларга эътибор қаратиш зурур. Жумладан, ушбу эҳтиёт чорасини қўллаш қуйидаги ҳолатларда қонунга хилоф ҳисобланади:

– ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят юзасидан қўлланилган бўлса, бундан ЖПКнинг 242-моддаси 2-қисмидаги ҳолатлар мустасно;

– ЖПК 242-моддаси 2-қисмида назарда тутилган ҳолатлардан бири мавжуд бўлмаган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят юзасидан қўлланилган бўлса;

– ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб этилган шахсдан ташқари бошқа шахсларга нисбатан қўлланилган бўлса (ЖПК 243-моддаси 1-қисми);

– ЖПК 239-моддаси 3-қисмида назарда тутилган алоҳида шахсларга нисбатан белгиланган қўшимча шартларга амал қилмаган ҳолда қўлланилган бўлса;

– қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш бўйича процессуал босқичлардаги қонунчилик талабларига (процессуал шакл ва муддатлар) риоя қилинмаган ҳолда қўлланилган бўлса. Бунда қуйидаги процессуал босқичларга эътибор қаратиш зарур: 1) эҳтиёт чорасини қўллаш юзасидан илтимоснома қўзғатиш ҳақида тегишли қарор чиқариш (прокурор, унинг розилиги билан суриштирувчи ёки терговчи); 2) илтимосноманинг асослигини текшириш ва унга розилик бериш ёки рад этиш (прокурор); 3) илтимосномани судга тақдим этиш (прокурор); 4) илтимосномани судда кўриб чиқиш (судья); илтимосномани кўриб чиқиш натижалари бўйича ажрим чиқариш (судья);

– қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллашда қонуний асослар мавжуд бўлиб, бошқа процессуал тартиблар қўпол равишда бузилган бўлса, жумладан, тегишли баённоманинг мавжуд эмаслиги ёки сохталаштирилганлиги ва ҳ.к.

Таъкидлаш зарурки, ЖК 234-моддаси 2-қисмда била туриб, қонунга хилоф равишда ҳибсга олишнинг мазмуни очиб берилмаган, бунда бундай қилмиш қандай ҳаракатлар орқали содир этилишига аниқлик киритилмаган. Фикримизча, ушбу модда жиноятнинг объектив томони батафсил баён этилиши, унинг мазмуни ёритилиши зарур. Бунда қуйидагилар эътибор қаратиш зарур:

– қамоққа олиш учун фактик асослар мавжуд эмаслиги ёки улар аниқ ва етарли эмаслиги;

– қамоққа олишда процессуал босқичлар ёки муддатлар бузилганлиги, жумладан, прокурорнинг розилигисиз ёки суд қарорисиз амалга оширилганлиги ва ҳ.к.;

– қамоққа олишга доир процессуал ҳужжатларнинг шакли, мазмуни ва муддати тўғрисида қонунчилик талаблари қўпол равишда бузилганлиги, жумладан, тегишли баённоманинг ёки қарорнинг мавжуд эмаслиги ёхуд сохталаштирилганлиги ва ҳ.к.

Шунингдек, биз бу ўринда шахснинг қамоққа олинганлиги ва қамоқда сақлаш жойи тўғрисида бундай маълумотларни олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқарога шахснинг қамоққа олинган жойи тўғрисида маълумот беришни қонунга хилоф равишда рад этиш ёки бунга қаршилик қилишни ҳам қонунчиликда акс эттиришни ва қонунга хилоф равишда қамоққа олиш сифатида баҳоланиши зарур, деб ҳисоблаймиз.

2) қамоқда сақлашнинг қонунга хилофлиги. ЖПК 240-моддасига кўра, қамоққа олиш эҳтиёт чораси бекор қилинган ёхуд ўзгартирилган тақдирда, қамоқда бўлган шахс дарҳол озод қилиниши керак. Ушбу талабдан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, қонунда белгиланган асослар бўлмаган ҳолда ёки тегишли муддат бузилган ҳолда шахснинг қамоқда сақланиши қонунга хилоф равишда қамоқда (ҳибсда) сақлаш деб топилиши зарур.

Қайд этиш зарурки, айрим адабиётларда ноқонуний ушлаб туриш жойининг жиноятни тавсифлашда аҳамияти йўқ эканлиги [5, 494-б.], баён этилган. Ушбу фикрга қўшилиш қийин. Зотан, “Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида”ги Қонунга кўра, қамоқда

сақлаш деганда, жиноят содир этганликда гумон қилиниб ушлаб турилган шахсларни ёхуд ўзига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсларни қамоқда сақлаш тушунилади [6]. Яъни, қамоқда сақлаш тушунчаси шахсни ушлаб турилган пайтда ҳам, қамоққа олинган пайтда ҳам сақланишига нисбатан татбиқ этилади. Шундай экан, биз ушбу масалада шахсни қонунчиликда белгиланганидан бошқа жойларда қамоқда сақлаш ҳам қонунга хилоф равишда қамоқда сақлаш ҳисобланади [3, 284-б.], деган ёндашувни қўллаб-қувватлаймиз.

Шунингдек, биз қамоқда сақлаш жойларида ушлаб турилган ва қамоққа сақланаётган шахслар ҳуқуқларини ҳамда қамоқда сақлаш тартибини қўпол равишда бузиш (жумладан, ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларни камераларда алоҳида-алоҳида жойлаштириш тартибига риоя қилмаслик ва ҳ.к.) ҳам қонунга хилоф равишда қамоқда сақлаш деб топилиши зарур, деб ўйлаймиз.

Тўртинчидан, жиноятнинг тамом бўлган деб ҳисоблаш вақтини аниқлаш. Жиноят ҳуқуқида қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки қамоққа олишнинг тугаш вақти шахснинг эркинлигини чеклашга доир махсус процессуал ҳужжат чиқарилган вақтдан эмас, балки у бошқалардан ҳақиқатда ажратиб олинган пайтдан бошлаб тугалланган деб ҳисобланади. Шу сабабдан, шахс ҳақиқатда ушланиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органига ёки сақлаш жойига олиб келинган пайтдан эътиборан – қонунга хилоф равишда ушлаб туриш жинояти, шахс қамоққа олиниб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органига ёки сақлаш жойига олиб келинган вақтдан эътиборан – қонунга хилоф равишда қамоққа (ҳибсга) олиш жинояти тугалланган ҳисобланади. Ушлаб турилган ва қамоққа сақланаётган шахсга нисбатан қўлланилган ушбу чоранинг қонуний муддати ўтиб кетгандан кейин ҳам шахсга айб эълон қилмасдан ёки тегишли муддат узайтирилмасдан шахс сақланаётган вақтдан бошлаб, шунингдек, қамоқда сақлаш жойларида ушлаб турилган ва қамоққа сақланаётган шахслар ҳуқуқлари ёки қамоқда сақлаш тартиби қўпол равишда бузилган вақтдан эътиборан қонунга хилоф равишда қамоқда сақлаш жинояти тугалланган ҳисобланади.

Ушбу жиноят таркиблари ҳаракат ва ҳаракатсизлик орқали содир этилади. Бунда қилмишнинг ҳаракатсизлик шакли шахсни белгиланган асослар бўла туриб ушлаб турилган жойдан ёки қамоқдан озод қилмасликда ёки бу борада зарур чораларни кўрмасликда ифодаланади.

Бешинчидан, шахснинг эркинлигини бошқача усулда чеклаш учун жавобгарлик масаласи.

Ушбу масалани таҳлил қилишда биз шахс эркинлигини маъмурий ёки жиноят-процессуал тартибда чеклашнинг қандай турлари мавжуд, ЖК 234-моддаси уларнинг барчасини қамраб олганми ёки қамраб олиши керакми, каби саволларга жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, МЖтКда маъмурий жазолардан ташқари маъмурий йўл билан ушлаб туриш ҳамда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси, ЖПКда эса, ушлаб туриш, қамоққа олиш, уй қамоғи ва тиббий муассасага жойлаштириш каби чоралар шахснинг эркинлигини чекловчи, шахсни жамиятдан ажратувчи чоралар ҳисобланади.

Бунда биз юқоридаги таҳлилларимизда қонунга хилоф равишда маъмурий тартибда ушлаб туришни ЖК 234-моддаси 1-қисми билан қамраб олиш зарурлиги ҳақида таклифни билдирик. МЖтКнинг 29²-моддасида карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси давлат санитария назорати органлари томонидан қўлланилиши белгиланган. Ушбу чоранинг

мақсади ва қўллайдиган субъектлардан келиб чиқиб, уни қонунга хилоф равишда қўллаш одил судлов манфаатларига таъсир қилмайди, деган хулосага келдик. Шу сабабли, бундай қилмишни оқибатидан қатъий назар ЖК 234-моддаси билан қамраб олиш мақсадга мувофиқ эмас.

Жиноят-процессуал чоралар ҳақида тўхталадиган бўлсак, биз таҳлил қилаётган ЖК 234-моддасида ушлаб туриш ва қамоққа олиш чоралари ҳақида тўғридан-тўғри кўрсатилган. Фикримизча, ЖК 234-моддасида жиноят-процессуал тартибда қонунга хилоф равишда шахсни эркинлиги, озодлигини қисқа муддатга чекловчи барча чораларни қўллаганлик учун, шу жумладан, қонунга хилоф равишда уй қамоғига олиш ва тиббий муассасага жойлаштириш учун ҳам жавобгарлик белгилаш зарур. Жиноят-процессуал қонунчиликка кўра, уй қамоғи гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига нисбатан (ЖПК 242¹-моддаси), тиббий муассасага жойлаштириш айбланувчи ёки судланувчига нисбатан (ЖПК 265-моддаси) прокурор, терговчи ёки суриштирувчининг илтимосномаси бўйича суд томонидан қўлланилади. Иккила эҳтиёт чорасида ҳам шахсни жамиятдан ажратиш хусусияти мавжудлиги сабабли, шахсга қонунга хилоф равишда уй қамоғи ёки тиббий муассасага жойлаштириш эҳтиёт чорасини қўллашдаги ижтимоий ва ҳуқуқий оқибатлар шахсни қонунга хилоф равишда қамоққа олишдаги оқибатлар билан ўхшашдир. Шу сабабдан, бундай ижтимоий хавфли қилмишлар учун ЖК 234-моддасида жавобгарлик белгилаш зарур, деб ҳисоблаймиз. Бунда уй қамоғи ва тиббий муассасага жойлаштиришнинг қонунга хилофлигини тушунишда қуйидаги жиҳатларга эътибор бериш зарур:

- уй қамоғи ёки тиббий муассасага жойлаштириш учун фактик асослар мавжуд эмаслиги ёки улар аниқ ва етарли эмаслиги;
- уй қамоғи ёки тиббий муассасага жойлаштиришда процессуал босқичлар ёки муддатлар бузилганлиги, жумладан, прокурорнинг розилигисиз ёки суд қарорисиз амалга оширилганлиги ва ҳ.к.;
- уй қамоғига олиш ёки тиббий муассасага жойлаштиришга доир процессуал ҳужжатларнинг шакли, мазмуни ва муддати тўғрисида қонунчилик талаблари кўпол равишда бузилганлиги, жумладан, тегишли баённоманинг ёки қарорнинг мавжуд эмаслиги ёхуд сохталаштирилганлиги ва ҳ.к.

ЖК 234-моддасида қайд этилган жиноят таркиблари субъектив томондан тўғри қасддан содир этилади. Айбдор қонунга хилоф равишда шахсни ушлаб тураётганлигини, қамоққа олаётганлигини ёки қонунга хилоф равишда қамоқда сақлаётганлигини англайди ва бунлай қилмишни содир қилишни хоҳлаб ҳаракат қилади [5, 494-б.].

Жиноят субъекти махсус субъект ҳисобланади. Бунда субъект қонунга хилоф равишда ушлуб туриш жиноятининг субъекти ЖК 234-моддаси 1-қисмида кўрсатилган терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки прокурор ҳисобланади.

Аммо қонунга хилоф равишда қамоққа олиш ва қамоқда сақлашнинг субъекти ЖК 234-моддаси 2-қисмида кўрсатилмаган. ЖПКга кўра, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси гумон қилинувчига ёки айбланувчига нисбатан прокурор, шунингдек прокурорнинг розилиги билан суриштирувчи ёки терговчининг илтимосномаси бўйича суд томонидан қўлланилади (ЖПК 243-моддаси). Шунга кўра, қонунга хилоф равишда қамоққа олиш ва қамоқда сақлашнинг

субъекти суриштирувчи, терговчи ёки прокурор ҳисобланади. Шу билан бирга қайд этиш зарурки, қонунга хилоф равишда қамоқда сақлаш тарзидаги жиноят таркибининг субъекти қамоқда сақлаш жойининг раҳбари ёки тегишли асослар тақдим этилганда шахсни озодликка чиқариб юбориш мажбурияти юкланган бошқа шахс ҳам бўлиши мумкин.

Бунда жиноятнинг махсус субъектли эканлиги шу билан белгиланадики, қилмишни ЖК 234-моддаси билан квалификация қилиш учун жиноят айнан юқорида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган бўлиши керак. Бундай қилмишнинг бошқа шахслар томонидан содир этилиши қилмишни квалификация қилишга жиддий таъсир кўрсатади. Жумладан, агар бундай қилмиш шахсни қонунга хилоф равишда ушлаш, қамоқда ушлаб туриш ёки қамоқда сақлаш ваколатлари доирасига кирмайдиган мансабдор шахс ёки ҳокимият вакили томонидан содир этилса, бунда қилмиш ЖК 206-моддаси бўйича ҳокимият ёхуд хизмат ваколоти доирасидан четга чиқиш сифатида баҳоланади [5, 494-б.].

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, **ЖК 234-моддасини “Қонунга хилоф равишда ушлаб туриш, қамоққа, уй қамоғига олиш, қамоқда сақлаш ёки тиббий муассасага жойлаштириш”** деб ўзгартириш таклиф этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Метельский П.С. Уголовно-правовая характеристика незаконных задержания, заключения под стражу или содержания под стражей (статья 301 УК РФ). // Вестник Новосибирского государственного университета. Серия: Право. Т. 6. – 2010. – № 2. – С. 109.
2. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Беш томли. Т.1. Умумий қисм. Жиноят тўғрисида таълимот. Дарслик. / М.Х.Рустамбаев, А.А.Отажонов ва бошқ. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – Б. 125.
3. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм. Т.3. – Тошкент: Yuridik adabiyotlar publish, 2021. – Б. 276.
4. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисми. Дасрлик. / Ш.Т.Икрамов, Р.Кабулов, А.А.Отажонов ва бошқ. / Масъул муҳаррир: Ш.Т.Икрамов. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – Б. 787.
5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. / З.Х.Ғуломов, Р.А.Зуфаров, Р.Қ.Қобулов ва бошқ. – Тошкент: Адолат, 1997. – Б. 494.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 29 сентябрдаги “Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида”ги ЎРҚ–298-сон Қонуни. // www.lex.uz/docs/1876877